

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ФАЙЗИЕВ ЖАҲОНГИР БАҲРОМОВИЧ

**ТАРКИБИДА МЕТАЛЛ САҚЛОВЧИ ЯНГИ ФТАЛОЦИАНИН
ПИГМЕНТЛАРИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Файзиев Жаҳонгир Баҳромович

Таркибида металл сақловчи янги фталоцианин пигментларини
олиш технологиясини ишлаб чиқиш.....3

Файзиев Жаҳонгир Баҳромович

Разработка технологий получения новых металлсодержащих
фталоцианиновых пигментов.....21

Jahongir Fayziev

development of technologies for obtaining new the
metal-containing of phthalocyanine pigments.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
СТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ФАЙЗИЕВ ЖАҲОНГИР БАҲРОМОВИЧ

**ТАРКИБИДА МЕТАЛЛ САҚЛОВЧИ ЯНГИ ФТАЛОЦИАНИН
ПИГМЕНТЛАРИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси В2021.2.PhD/T2253 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tktiti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий рахбар:

Бекназаров Ҳасан Сойибназарович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Максумова Ойтура Ситдиқовна
кимё фанлари доктори, профессор

Юсупов Музафар Орифжонович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.16/30.12.2019.T.87.01 рақамли илмий кенгашнинг «30» ноябр 2021 йил соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111116, Тошкент тумани Ибрат МФЙ п/б Шуробозор Тел.: (+99871) 199-22-43, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail: gup_tniixt@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№12 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111116, Тошкент тумани Ибрат МФЙ п/б Шуробозор Тел.: (+99871) 199-22-43, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail: gup_tniixt@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил «19» ноя куни тарқатилди.

(2021 йил «19» ноя даги 12 рақамли реестр баённомаси).



А.Т. Джалилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., проф., академик

Ш.Д.Ширинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф. PhD.

Ф.Н.Нуркулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда фталоцианин пигментлари асосидаги электр ва оптик материаллар, қуёш батареялари, кимёвий сенсорлар ишлаб чиқариш каби илғор технологиялар кенг ривожланмоқда. Фталоцианин пигментларининг муҳим афзаллиги уларнинг жуда кам заҳарлилиги бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлаш материаллари, болалар ўйинчоқлари, дори-дармонлар ишлаб чиқаришда ишлатилади. Шу билан бирга, фталоцианинлар ва уларнинг ҳосилалари, юқори кимёвий қаршилиikka ва барқарор рангларга эга бўлган, ёруғлик ва иссиқликка чидамли бўёқлар олишда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда фталоцианин асосидаги пигментларнинг хоссаларини яхшилаш ва улардан самарали фойдаланиш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, фталоцианин пигментлари синтез жараёнини соддалаштириш ва ҳавфсиз усулларини ишлаб чиқиш, фталоцианин пигментларини сувда ва эритувчиларда эрийдиган янги турларини яратиш, фталоцианин пигментларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, фталоцианин пигментларини антикоррозион, статик ва динамик мустаҳкамлик хоссаларини мақсадли ўзгартира оладиган янги таркибини топиш ва қўллаш соҳаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикаимизда кимё саноатини модернизация қилиш бўйича илмий-техник ишлар ривожлантирилмоқда, жумладан, импорт қилинаётган маҳсулотлар ўрнини босувчи маҳаллий хомашёлар асосида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу йўналишда амалга оширилаётган меъёрий тадбирлар асосида маълум натижаларга, айниқса фталоцианин пигментлари иштирокида полимер, тўқимачилик ва лок-бўёқ материалларини, шунингдек, кўп компонентли ва функцияли лок-бўёқ қорламаларини яратиш бўйича маълум илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «мутлақо янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, шу асосда ташқи ва ички бозорларда рақобатбардош маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлаш»¹ га қаратилган муҳим вазифалари белгиланган. Бу борада маҳаллий хомашёлар асосида мис ва мис-кальций сакловчи фталоцианин пигментлари ишлаб чиқариш учун иқтисодий жиҳатдан самарали ва экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сон «Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини зарур маҳсулотлар ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Фталоцианин пигментларини олиш ва синтезини ривожлантириш бўйича Ishikawa N., Iino T., Cox J.J., Bayliss S.M., Jones T.S., Meyer M., Freyer W., Hanack M., Schlettwein D., Kudrevich S.V., Zimcik P., Erk P., Barrett P.A., Степанян А.А., Бернашевский Н.В., Кулыгина З.П., Исак А.Д., Шапошников Г.П., Белогорохов И.А., Голубчиков О.А., Ларионов А.В., Сайфуллин Р.О., Хафизов Н.Р., Zhang X., Хромов А.В., Зуев К.В., Джалилов А.Т., Маҳсумов А.Г., Тиллаев А.Т., Ихтиёрова Г.А. ва бошқа олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган.

Илмий изланишлари натижасида ушбу олимлар томонидан пигментлар олишнинг турли усуллари, уларни олиш жараёнларига турли хил технологик омилларнинг таъсири, маҳаллий хомашёлар ва саноат маҳсулотлари асосида синтез қилиш таклиф қилинган, шунингдек, синтез қилинган бирикмаларни полимер маҳсулотларга фотостабилизаторлар, қурилиш материаллари саноатида лок-бўёқ қопламалари, тўқимачилик саноати маҳсулотларига бўёқ сифатида ишлатиш тавсия этилган.

Ҳозирда маҳаллий хомашёлар ва саноат маҳсулотлари асосида янги, самарали ва арзон фталоцианин пигментларнинг турларини кенгайтириш мақсадида фаол функционал гуруҳларни ўз ичига олган бирикмалар билан модификациялаш, ишлаб чиқаришнинг самарали технологияларини яратиш ҳамда амалиётда қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб боришмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А12-003 «Таркибида кремний сақлаган полимерлар ва органик бўёқлар ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш» (2011-2013 йй.), №А-БТ-2021-134 «Маҳаллий хом ашёлар асосида органик бўёвчилар ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш» (2021-2023 йй.) мавзусидаги амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таркибида мис ва мис-кальций тутган фталоцианин пигментларини синтез қилиш ва уни олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фтал ангидрид, карбамид, металл тузлари ва катализаторлар иштирокида фталоцианинларнинг янги ҳосилалари синтези;

синтез қилинган мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианин таркиби, тузилиши ва хоссаларини физик-кимёвий усуллар ёрдамида тадқиқоти;

синтез қилинган мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианинлар асосида пигментлар олиш ва уларни қўллаш;

фталоцианин пигментлари қўлланилган маҳсулотларнинг антикоррозион, статик ва динамик мустаҳкамлик хоссаларини аниқлаш;

таркибида мис ва мис-кальций сақловчи янги фталоцианин пигментларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва техник-иқтисодий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида фтал ангидрид, карбамид, металл тузлари, катализаторлар, таркибида мис ва мис-кальций тутган бирикмалар асосида синтез қилинган фталоцианин пигментлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини мис ва мис-кальций тутган бирикмалар асосида янги турдаги фталоцианин пигментларини олиш жараёнининг мақбул шароитларини аниқлаш, олинган фталоцианин пигментлари асосидаги лок-бўёқ маҳсулотларининг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, уларни тўқимачилик саноатида қўллаш ташкил этган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар натижасида олинган моддаларнинг тузилиши ва хоссаларини тадқиқ этишнинг замонавий усуллари, жумладан, физик-механик усуллар, сканерловчи электрон микроскопия (СЭМ), элемент таҳлил, инфракизил спектроскопия (ИК-спектроскопия), термогравиметрия (ТГ) ва дифференциал сканерловчи калориметрия (ДСК) ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

янги таркибли мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианинлар синтез қилинган;

синтез қилинган мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианинларга 90% ли сульфат кислота ёрдамида ишлов бериш йўли билан ГОСТ-6220-76 талабларига мос пигментлар олинган;

синтез қилинган мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментлари қўлланилган маҳсулотларнинг антикоррозион, статик ва динамик мустаҳкамлик хоссалари аниқланган;

мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментлари қўшилган полимер ва лок-бўёқ қопламаларининг кимёвий, физик-механик хоссалари фталоцианин пигментларига боғлиқлиги исботланган;

фтал ангидрид, карбамид, металл тузлари ва катализаторлар асосида янги фталоцианин пигментларини олишнинг иқтисодий жиҳатдан самарали ва экологик тоза технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фтал ангидрид, карбамид, металл тузлари ва катализаторлар иштирокида рангдорлик хоссалари яхшиланган биметалл таркибли - мис-кальций сақловчи фталоцианин синтез қилинган ва синтез жараёнининг мақбул шароитлари аниқланган.

янги таркибли мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианинлар олишнинг иқтисодий жиҳатдан самарали ва экологик тоза технологияси ишлаб чиқилган;

мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианинлари синтези жараёнида 2450 MHz частотали микротўлқиндан фойдаланиб, уларни ишлаб чиқаришдаги технологик қувватининг ошиши аниқланган;

янги турдаги мис ва мис-кальций фталоцианин бирикмалари асосида атмосфера, агрессив ташқи муҳитларга чидамли пигментлар олиш ҳамда уларни полимерлар ва лок-бўёқ қопламаларига қўллаш технологияси ишлаб чиқилган;

синтез қилинган мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментларидан тўқимачилик саноати маҳсулоти бўлган матоларни бўяш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги синтез қилинган бирикмалар структураси ва хоссаларини термогравиметрик, дифференциал термик (LABSYS EVO STA дериватограф), сканерловчи электрон микроскопия, ИҚ спектроскопия (IRTracer-100) каби физик-кимёвий таҳлил қилишнинг замонавий усуллари қўллаш натижалари билан аниқланган, шунингдек, олинган натижаларни қиёсий таҳлил асосида маҳаллий ишлаб чиқариш амалиётига мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фтал ангидрид, карбамид, металл тузлари ва катализаторлар асосида фталоцианин пигментлар олиш, шунингдек, уларнинг тузилиш ва хоссаларини аниқлаш ҳамда иқтисодий самарадор ишлаб чиқариш технологиясининг илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти лок-бўёқ саноатида фталоцианин пигментлари қўшилган қопламалар, фотостабилизаторлар ҳимоя ва безак хоссалари такомиллашган материаллар олиш, уларни қўллашда хусусиятларини яхшилаш, хизмат муддатини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таркибида мис ва мис-кальций сақловчи янги фталоцианин пигментларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

синтез қилинган мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианинлар “BMAX PAINTS” МЧЖ ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ қўшма корхонасида пигментлар олишда амалиётга жорий қилинган (“BMAX PAINTS” МЧЖ ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ қўшма корхонасининг 2021 йил 7 июлдаги 36-сон маълумотномаси) Натижада, мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментлари асосида ПФ-115 маркали эмалнинг ёрқин рангли намуналарини олиш имконини берган;

мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментларини олиш технологияси “BMAX PAINTS” МЧЖ ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ қўшма корхонасида лок-бўёқ қопламалар олишда амалиётга жорий қилинган (“BMAX PAINTS” МЧЖ ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ қўшма корхонасининг 2021 йил 7 июлдаги 36-сон маълумотномаси). Натижада, импорт ўрнини

босувчи юқори сифатли мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментларини маҳаллий маҳсулот сифатида қўллаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та конференцияда, шундан 7 та халқаро ва 4 та Республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан, 3 та Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 96 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объектлари ва предметлари берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фталоцианин пигментларини олиш усуллари ва уларнинг қўлланилиш истиқболлари**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи берилган бўлиб, унда фталоцианинлар ва уларнинг металл комплексларини синтез қилишнинг янгича замонавий ҳолати ва ривожланиш истиқболларига бағишланган ишлар таҳлил қилинган. Таркибида мис тутган фталоцианин пигментларини олиш усуллари, уларнинг физик-кимёвий хоссалари, ишлатилиши муҳокама қилинган ва бу изланиш истиқболли йўналишлардан бири эканлиги ёритилган.

Диссертациянинг «**Мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментларининг синтези ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот учун танланган объектлар, синтез ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш усуллари асосланган. ИҚ-спектроскопия усулларида синтез қилинган бирикмаларнинг структурасини аниқлашга ёндашув тавсифланган. Фталангидрид, карбамид металл тузлари ва катализаторлар асосидаги фталоцианин пигментлари гравиметрик ва термодинамик тадқиқотлар асосида ўрганиш натижалари ва усуллари келтирилган.

Мис сақловчи фталоцианин пигментининг синтези. Бунда реакциянинг асоси сифатида фталангидрид карбамид, металл Cu^{I} тузидан фойдаланган ҳолда фталоцианин пигментлари синтез қилинди. Пигментнинг алоҳида


олиниш усуллари қуйидагича келтирилди (1-жадвал). Синтез жараёнларида 2 хил усулдан фойдаланилди: микротўлқинли печда ва юқори ҳароратда қиздириш. Ўрганишлар натижасига асосланиб пигмент олишнинг иккинчи усули юқори ҳароратда синтезлаш усули танлаб олинди (1-расм).

1-жадвал

CuPc учун олинган бошланғич реактивлар нисбати ва ҳароратнинг пигментлар унумига таъсири

№	ФА:Кар:CuCl	T, °C	ω, %	№	ФА:Кар:CuCl	T, °C	ω, %
1	1:1:0,25	200	21,1	9	1:5:0,25	200	65,1
2		225	25,6	10		225	77,4
3		250	28,8	11		250	85,3
4		275	26,1	12		275	79,2
5	1:3:0,25	200	43,3	13	1:7:0,25	200	67,1
6		225	55,1	14		225	78,8
7		250	61,7	15		250	85,3
8		275	53,3	16		275	79,3

Олинган натижалардан мис фталоцианин пигментини синтез қилиш учун бошланғич реактивларнинг нисбати 1:5:0,25 бўлганда ва ҳарорат 250⁰С да, унум 85,3 % га тенг эканлиги маълум бўлди. Бу натижалар CuPc синтези учун мақбул шароит эканлиги аниқ бўлди.



1-расм. CuPc пигменти учун олинган бошланғич реактивлар нисбати ва ҳароратнинг пигментлар унумига таъсирини график орқали ифодаланиши

Қиздириш усулида олинган мис сақловчи фталоцианин 4 хил 1) 60% 2) 70% 3) 80% 4) 90% ли концентрацияга эга сульфат кислота билан эритиб пигментлар олинди ва олинган пигментлар турли хил ҳароратларда синаб кўрилди.


Бу натижалардан хулоса шуки қиздириш усулида олинган мис фталоцианин анча яхши натижа берди, сульфат кислотада эритиш жараёнида фойдаланишда 90% ли концентрациси мақсадга мувофиқ.

Тажрибаларга асосланиб мис фталоцианин пигментини синтезлаш жараёнлари 2 хил усулда олинишини кўрдик. Анализ учун олинган мис фталоцианин пигменти 2-усул яъни қиздириш йўли билан олинган. Олинган мис фталоцианин пигменти қайси модификацияга мансублигини аниқлаш ҳақида синтез жараёнини ўрганишда маълумотга эга бўлдик.

Қиздириш усулида синтез қилинган CuPc пигментини турли хил ҳароратларда синов

№	Синов учун олинган пигментлар	Бошланиш ҳарорат °C	Тугаш ҳарорат °C	Кузатилган ўзгаришлар
1	CuPc-60	160	280	Оқ тутун
2	CuPc-70	180	250	Оқ тутун
3	CuPc-80	200	210	Оқ тутун
4	CuPc-90	250	250	Ўзгариш бўлмади

Синтездан кейинги ўрганишларимизда олинган мис фталоцианиннинг β модификацияси ҳақида фикр юритамиз. Чунки фталоцианинларнинг β модификациясига кўпроқ талаб бўлмоқда. Сабаблардан бири α модификация беқарор, β модификация анча барқарор. Текшириш учун намунага олинган мис фталоцианин пигментини 250⁰C гача қиздирилган (2-жадвал)



2-расм. CuPc пигментининг ИҚ-спектри

3-жадвалда А.В.Зиминов мис фталоцианинларнинг ИҚ спектрларининг ютилиш майдонларининг таҳлилларини биз олган мис фталоцианиннинг ИҚ спектрининг таҳлиллари билан солиштириш кўрсатилган.

CuPc пигменти ИҚ-спектрини таҳлили

№	CuPc фуқционал гуруҳлари	Ziminov et al CuPc ютилиш соҳалари	Синтез қилинган CuPc ютилиш соҳалари(2-расм)
1	C-H	3047 см ⁻¹	3047,53 см ⁻¹
2	C=C	1612 см ⁻¹	1610,56 см ⁻¹
3	-N=	1507 см ⁻¹	1506,41 см ⁻¹
4	Изоиндол	1465-1421 см ⁻¹	1464-1420 см ⁻¹
5	Пиррол	1333 см ⁻¹	1332,81 см ⁻¹
6	C-H текисликда	1287 см ⁻¹	1286,52 см ⁻¹
7	C-H+ изоиндол текисликда	1165 см ⁻¹	1165 см ⁻¹
8	Бензол ҳалқалари	947 см ⁻¹	946,98 см ⁻¹
9	Изоиндол +N атомлари	900 см ⁻¹	900,76 см ⁻¹
10	Фталоцианин ҳалқалари	754 см ⁻¹	754,17 см ⁻¹

Мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментининг синтези. Бунда реакциянинг асоси сифатида фталангидрид карбамид, металл Cu^I-Ca^{II} тузидан


фойдаланган ҳолда фталоцианин пигменти синтез қилинди. Пигментнинг алоҳида олиниш усуллари қуйидагича келтирилди. Синтез жараёнларида 2 хил усулдан фойдаланилди: микротўлқинли печда ва юқори ҳароратда қиздириш. Ўрганишлар натижасига асосланиб пигмент олишнинг иккинчи усули юқори ҳароратда синтезлаш усули танлаб олиндим. (4-жадвал)

4-жадвал

Cu-CaPc учун олинган CuCl ва CaCl₂ нинг масса нисбати ва ҳароратнинг пигментлар унумига таъсири

№	CuCl:CaCl ₂	T, °C	ω, %	№	CuCl:CaCl ₂	T, °C	ω, %
1	1,1:1	200	66,3	10	1:2,6	200	69,5
2		225	84,4	11		225	87,8
3		250	73,3	12		250	77,1
4	1:1,2	200	67,5	13	1:4,3	200	75,6
5		225	85,7	14		225	89,6
6		250	74,1	15		250	78,3
7	1:1,8	200	68,1	16	1:5	200	73,2
8		225	86,4	17		225	89,6
9		250	75,4	18		250	78

Олинган натижалардан Cu-CaPc пигментини синтез қилиш учун бошланғич реактивларнинг нисбати 1:4,3 бўлганда ва ҳарорат 225⁰С да, унум 89,6 % га тенг эканлиги маълум бўлди. Бу натижалар Cu-CaPc синтези учун мақбул шароит эканлиги аниқ бўлди. (3-расм)



3-расм. Cu-CaPc учун олинган CuCl ва CaCl₂ нинг масса нисбати ва ҳароратнинг пигментлар унумига таъсири график орқали ифодаланиши

Қиздириш усулида олинган мис - кальций сақловчи фталоцианин 4 хил 1) 60 % 2) 70 % 3) 80 %.4) 90 % ли концентрацияга эга сульфат кислота билан эритиб пигментлар олинди ва олинган пигментлар турли хил ҳароратларда синаб кўрилди.

Бу натижалардан хулоса шуки қиздириш усулида олинган мис-кальций сақловчи фталоцианин пигменти яхши натижа берди. Сульфат кислотада эритиш жараёнида мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментини учун (80-90) % ли концентрацияли кислота мақсадга мувофиқ. Намуна учун олинган мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментини синтезлаш жараёнларида иккинчи усул қиздириш йўли билан олинган. Синтездан кейинги

ўрганишларимизда олинган мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментининг β модификацияси ҳақида фикр юритамиз.


5-жадвал

Қиздириш усулида синтез қилинган мис-кальций фталоцианин пигментини турли хил ҳароратларда синов

№	Синов учун олинган пигментлар	Бошланиш ҳарорат °C	Тугаш ҳарорат °C	Кузатилган ўзгаришлар
1	Cu-CaPc-60	180	210	Оқ тутун
2	Cu-CaPc-70	200	210	Оқ тутун
3	Cu-CaPc-80	250	250	Ўзгариш кузатилмади
4	Cu-CaPc-90	250	250	Ўзгариш кузатилмади

Чунки фталоцианинларнинг β модификациясига кўпроқ талаб бўлмоқда. Аниқ сабабларидан бири α модификация беқарор, β модификация анча барқарор. Текшириш учун намунага олинган мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментини 250°C гача қиздирилган. (5-жадвал)

Тажрибаларга асосланиб мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментини синтезлаш жараёнлари 2 хил усулда олинишини кўрдик. Анализ учун олинган мис-кальций сақловчи фталоцианин пигменти 2-усул яъни қиздириш йўли билан олинган. Олинган мис-кальций сақловчи фталоцианин пигменти қайси модификацияга мансублигини аниқлаш ҳақида синтез жараёнини ўрганишда маълумотга эга бўлдик.




4-расм. Мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментини ИҚ-спектри

Мис-кальций фталоцианинда фталоцианин ҳалқалари ҳосил бўлиши 752 cm^{-1} ютилиш соҳасида кўринади, C-H + изоиндол текисликда ҳосил бўлиши 1165 cm^{-1} ютилиш соҳасида кўринади, пиррол ҳалқалари 1332 cm^{-1} ютилиш соҳасида кўринади, пиррол азот атомлари 1419 cm^{-1} ютилиш соҳасида кўринади, изоиндол 1463 cm^{-1} ютилиш соҳасида кўринади, -N= 1506 cm^{-1} ютилиш соҳасида кўринади. (4-расм)

Диссертациянинг «Мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментларининг тадқиқотлари натижалари ва уларнинг муҳокамаси» деб номланган учинчи бобда синтез қилинган фталоцианин пигментларининг термогравиметрик ва электрон сканерловчи микроскопияси, элемент анализ тадқиқотлари натижалари муҳокама қилинади.

Мис сақловчи фталоцианин пигменти. Олинган дериватограмма натижаси 5-расмда келтирилган бўлиб, у 4 та эгри чизикдан иборат. Динамик термогравиметрик анализ эгри чизиги (ДТГА) (2-эгри чизик) тахлили шуни кўрсатадики, ДТГА эгри чизиги асосан 2 та интенсив парчаланадиган ҳарорат оралиғида амалга ошади. 1-парчаланиш оралиғи 88-209°C ҳароратга, 2-парчаланадиган оралиқ эса 220-675°C ҳароратга мос келади. 1-Ҳарорат эгри чизиги; 2- динамик термогравиметрик анализ эгри чизиги (ДТГА); 3- динамик термогравиметрик анализ эгри чизигининг ҳосиласи (ДТГП); 4-DSK эгри чизиги. CuPc пигменти 1650 °C ҳароратга чидамли алюминий оксиди ва платинадан тайёрланган оғзи очик тигелда 16 мг миқдордаги пигмент олиниб, 20 °C ҳароратдан бошлаб аста-секин ҳарорат кўтарилиб борилди.



5-расм. Мис сақловчи фталоцианин пигменти дериватограммаси

Ҳарорат 100°C га етганда CuPc пигментнинг қолдиқ массаси 13,209 мг бу рақам фоизда ифодаланса $16 - 13,209 = 2,791$ мг камайганлигини ҳисобга олиб йўқотилган масса $C\% = 2,791 / 16 \cdot 100 = 17,44\%$ ва бундай ҳароратда сарфланадиган энергия миқдори $1,91 \mu V \cdot c / mg$ ташкил қилди. Бундай ҳароратда CuPc пигменти массасининг камайиши таркибида ютилган адсорбцион сувнинг йўқотилиши ҳисобига боради. Кейинги кузатишлар 200 °C ҳароратда олиб борилиб бошланғич масса 16 мг ўлчанган пигментнинг қолдиқ массаси 12,609 мг га ўзгарганлиги кузатилди. CuPc пигменти массасининг % да камайиши 200 °C ҳароратда умумий 100 % массадан 21,19 % га ва сарфланадиган энергия миқдори $4,09 \mu V \cdot c / mg$ ташкил қилди. Бунда массанинг камайиши CuPc пигменти таркибидаги реакцияга киришмай қолган фталимидларнинг сублимацияси билан боғлиқ. Юқорида кўрсатилган таҳлил натижаларига асосланиб синтез қилинган CuPc пигментининг кўриниши тартибсиз жойлашган заррачалар яъни аморф кўринишида бўлади. Бундай кўринишнинг яққол исботи сканерловчи электрон микроскопда (СЭМ) олинган CuPc пигментининг тасвирларида кузатилди (7-расм).


Динамик термогравиметрик анализ эгри чизиги ва DSK эгри чизигининг батафсил тахлили 6 жадвалда батафсил келтирилган.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ҳарорат 650°C дан кўтарилгандан кейин массанинг йўқотилиши 9,993 мг ни ташкил этади ва ўзгаришсиз қолади. (6-жадвал)

**Мис сақловчи фталоцианин пигментининг ДТГА ва DSK эгри чизиғи
натижалари таҳлили**

№	Ҳарорат, °C	Қолган масса, мг (16)	Йўқотилган масса, мг	Сарфланадиган энергия миқдори ($\mu V \cdot s/mg$)
1	50	15,903	0,097	2,45
2	100	13,209	2,791	1,91
3	200	12,609	3,391	4,09
4	300	12,406	3,594	6,08
5	400	10,896	5,104	6,03
6	500	9,696	6,304	8,67
7	600	8,996	7,004	4,80
8	700	6,007	9,993	4,52

Мис-кальций сақловчи фталоцианин пигменти. Олинган дериватограмма натижалари 6-расмда келтирилган бўлиб, у 4 та эгри чизикдан иборат. Динамик термогравиметрик анализ эгри чизиғи (ДТГА) (2-эгри чизик) таҳлили шуни кўрсатадики, ДТГА эгри чизиғи асосан 2 та интенсив парчаланадиган ҳарорат оралиғида амалга ошади. 1- парчаланадиган 67-395°C ҳароратга, 2- парчаланадиган оралиқ эса 400-670°C ҳароратга мос келади. 1-Ҳарорат эгри чизиғи; 2- динамик термогравиметрик анализ эгри чизиғи (ДТГА); 3- динамик термогравиметрик анализ эгри чизиғининг ҳосиласи (ДТГП); 4-DSK эгри чизиғи.



**6-расм. Мис-кальций сақловчи фталоцианин пигменти
дериватограммаси**

Cu-CaPc пигменти 1650 °C ҳароратга чидамли алюминий оксиди ва платинадан тайёрланган оғзи очиқ тигелда 20 мг миқдордаги пигмент олиниб, 20 °C ҳароратдан бошлаб аста-секин ҳарорат кўтарилиб борилди. Ҳарорат 100°C га етганда Cu-CaPc пигментнинг қолдиқ массаси 19,209 мг бу рақам фоизда ифодаланса $20 - 19,209 = 0,791$ мг камайганлигини ҳисобга олиб йўқотилган масса $C\% = 0,791/20 \cdot 100 = 3,95\%$ ва бундай ҳароратда сарфланадиган энергия миқдори $2,91 \mu V \cdot s/mg$ ташкил қилди. Бундай ҳароратда Cu-CaPc пигменти массасининг камайиши таркибида ютилган адсорбцион сувнинг йўқотилиши ҳисобига боради. Кейинги кузатишлар 200 °C ҳароратда олиб борилиб бошланғич масса 20 мг ўлчанган пигментнинг қолдиқ массаси 17,609 мг га ўзгарганлиги кузатилди. Cu-CaPc пигменти

массасининг % да камайиши 200 °C ҳароратда умумий 100 % массада 11,95 % га ва сарфланадиган энергия миқдори 4,09 $\mu V \cdot c / mg$ ташкил қилди. Бунда массанинг камайиши Cu-CaPc пигменти таркибидаги реакцияга киришмай қолган фталимидларнинг сублимацияси билан боғлиқ. Юқорида кўрсатилган таҳлил натижаларига асосланиб синтез қилинган Cu-CaPc пигментининг кўриниши тартибсиз жойлашган заррачалар яъни аморф кўринишида бўлади. Бундай кўринишнинг яққол исботи сканерловчи электрон микроскопда (СЭМ) олинган Cu-CaPc пигментининг тасвирларида кузатилди (8-расм).

Динамик термогравиметрик анализ эгри чизиғи ва DSK эгри чизиғининг батафсил таҳлили, 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал


Мис-кальций сақловчи фталоцианин пигменти ДТГА ва DSK эгри чизиғи натижалари таҳлили

№	Ҳарорат, °C	Қолган масса, мг(20)	Йўқотилган масса, мг	Сарфланадиган энергия миқдори ($\mu V \cdot s / mg$)
1	50	19,603	0,397	1,45
2	100	19,209	0,791	2,91
3	200	17,609	2,391	4,09
4	300	15,406	4,594	5,08
5	400	13,596	6,404	6,93
6	500	10,696	9,304	8,07
7	600	8,996	11,04	4,70
8	700	6,436	13,654	4,32

Бу дериватограф тадқиқотлар натижасида кўринадиги асосий масса йуқолиши 2-парчаланишда 150-675°C оралигида кечади бунда массанинг яъни 13,654 мг масса йуқолади. 690°C дан кейин ўзгариш кузатилмайди ва масса ўзгаришсиз қолади.


Мис фталоцианин пигментининг СЭМ курилмасининг ўзида пигментларнинг кимёвий элементларининг микроанализи ўтказилиб, тезланувчи кучланишда 20 кЭВ, ток тарами 1 нА бўлган соҳаларда ўрганилди. Ушбу ишда электрон сканер тасвирларини, 30 кЭВ тезланиш кучи билан, 200 ва 700 мартта катталаштириш, ҳамда кўринувчан соҳанинг 0,66 ва 1,653 мкм ларида олинди (7-расм).

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, мис фталоцианин пигментининг намунасини 200 ва 700 баробар катталаштириб олинган тасвирида реакцияга киришмай қолган дастлабки моддаларнинг қолдиқлари кўринмайди. Бу эса реакция охиригача содир бўлганлигини, ҳамда паралелл равишда реакцияда ҳосил бўлган модданинг элемент таркиби ҳақида маълумот олиш имконини беради. Ўрганишлар мис фталоцианин пигменти заррачаларини ўлчами 28,71 дан ~35,72 нм гача эканлигини кўрсатди. Шу билан биргаликда йирик кластерларда ҳам алоҳида юза бўйича элемент анализ ўтказилди. Йирик кластерлар элемент анализ қилинганда ўрганилган нукталарда мис фталоцианин пигментидан ташқари тажриба хатолиги даражасида олтингугурт ва хлор қолдиқлари борлигини кўрсатади.



7-расм. Мис фталоцианин пигментининг электрон сканерловчи микроскор (ЭСМ) да (200 ва 700 маротаба катталашган тасвири) ва элемент анализи маълумотлари.


Мис – кальций фталоцианин пигментининг СЭМ қурилмасининг ўзида пигментларининг кимёвий элементларнинг микроанализи ўтказилиб, тезланувчи кучланишда 20 кэВ, ток тарами 1 нА бўлган соҳаларда ўрганилди. Ушбу ишда электрон сканер тасвирларини, 30 кэВ тезланиш кучи билан, 200 ва 700 мартта катталаштириш, ҳамда кўринувчан соҳанинг 0,66 ва 1,653 мкм ларида олинди.



8-расм. Мис – кальций фталоцианин пигментининг электрон сканерловчи микроскор (ЭСМ) да (200 ва 700 маротаба катталашган тасвири) ва элемент анализи маълумотлари.

Олинган таҳлиллар, Cu-CaPc пигментининг намунасини 200 ва 700 баробар катталаштириб олинган тасвирида реакцияга киришмай қолган дастлабки моддаларнинг қолдиқлари кўринмайди, Cu-CaPc пигментининг СЭМ тасвири кўриниши бошқа пигментлар кўринишидан фарқланади. Бу эса реакция охиригача содир бўлганлигини, ҳамда паралелл равишда реакцияда ҳосил бўлган модданинг элемент таркиби ҳақида маълумот олиш имконини беради. Cu-CaPc пигменти нанозаррачаларини ўлчами дан 20,72~28,71 нм гача эканлигини кўрсатди. Шу билан биргаликда, йирик кластерларда ҳам алоҳида юза бўйича элемент анализ ўтказилди (8-расм).

Диссертациянинг «**Мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментлари олишнинг техник-иқтисодий самарадорлиги ва технологик схемаси**» деб номланган тўртинчи бобида мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментларини олиш технологияси ва техник иқтисодий кўрсаткич натижалари муҳокама қилинади. (9-расм) Мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментлари олиш учун: рецепт бўйича ўлчанган фтал ангидрид, карбамид, металл тузлари ва катализатор қиздирувчи реакторга туширилиб, ҳарорат мис фталоцианин учун 250 °С гача 1 соат, мис-кальций фталоцианин учун 225 °С кўтарилиб 1 соат давомида яқри аралаштиргич ёрдамида аралаштириб турилади, реакция вақтида NH_3 ва фталимид ажралади, ажралган моддаларни махсус қурилмаларда, яъни калонкаларда ушлаб қолинади. 1 соатдан кейин маҳсулот тайёр ҳолатга келганда қиздириш тўхтатилади ва реактор 100 °С совутилиб концентрланган сульфат кислота таъсир эттирилади. Бунда реактор ичидаги ҳарорати 140 °С да бўлади, реактордаги аралашма 15 дақиқа давомида аралаштирилади, кислота қўшишдан мақсад кислотанинг концентрациясига қараб α ёки β модификацияга эга фталоцианин пигменти олиш. Сўнгра унга қайнаб турган сув таъсир эттирилади натижада ҳосил бўлган пигмент чўкади. Ҳосил бўлган суюқ аралашма ёпиқ турдаги филтрловчи қурулмада ювилиб муҳит $\text{pH}=6,5-7$ га келтирилгунча сув билан тозаланиб турилади. Сўнгра тозаланган пигмент қуритувчи печда 100 °С ҳароратда тўлиқ қуригунча ушлаб турилади ва қуриган пигмент махсус тегирмон майдалагичда майдаланади. Ҳосил бўлган тайёр пигмент сақлаш омборига ўтказилади ва қадоқлаб истемолчиларга етказиб берилади.



1 - синтез реактори; 2- бошланғич моддалар; 3 -сульфат кислота учун сиғим; 4 –иссиқ сув учун сиғим; 5, 6 – дозатор; 7 – газ чиқиш найи; 8 –фталимид учун сиғим 9 –сувли идиш; 10- газ учун насос; 11 –насос; 12 –ёпиқ турдаги филтр; 13- қуритиш шкафи 14-майдалагич; 15-тайёр маҳсулот

9- расм. Мис ва мис-кальций фталоцианин пигментлари ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси.

Ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий самарадорлиги. Тадқиқотлар натижасига кўра синтез қилинган мис ва мис-кальций сақловчи пигментлар фаол бўлиб, булар асосан олигомерлар ва полимерлар билан ўзаро таъсирлашиб турли соҳаларда ишлатилади. Пластмасса буюмларга ранг беришда ва ташқи таъсирга чидамлилигини орширишда, полиэтилен плёнкаларга стабилизаторлар, эмал тайёрлашда, наприйёт-матбаа учун ишлатиладиган бўёқлар тайёрлашда, лок-бўёқ қопламалар олишда, пахта матоларни бўяшда ва бошқа йўналишларда ишлатилади.

Таркибида металл сақловчи янги фталоцианин пигментларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш мавзусидаги янги мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментлари олиш ва уларни қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида: мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментлари “BMAX PAINTS” МЧЖ ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ қўшма корхонасида лок-бўёқ қопламалар олишда амалиётга жорий қилинган, (“BMAX PAINTS” МЧЖ ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ қўшма корхонасининг 2021 йил 7 июлдаги 36-сон маълумотномаси.) Натижада, юқори сифатли мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментлари импорт ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулот сифатида қўллаш имконини берган;

1 тонна CuPc пигменти ишлаб чиқариш учун дастлабки хомашё нархлари фақат бошланғич модданинг ўзи учун 48424000 сўм сарфланади.

Синтез қилинган CuPc пигментини ишлаб чиқариш учун барча харажатлар ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотнинг бозор иқтисодиётида 1 тонна тайёр маҳсулот учун 56203260 сўмга тенг эканлиги ҳисоблаб торилди.

Синтез қилинган CuPc пигментини ишлаб чиқаришда 1 кг тайёр пигментнинг нархи 56203,260сўмга тенг эканлиги ҳисоблаб торилди.

Четдан импорт қилинадиган CuPc PR 15:1 Ўзбекистондаги 1 кг тайёр пигментнинг нархи 82000 сўмга тенг эканлиги кетирилди.

Шундай қилиб, синтез қилинган CuPc пигментини ишлаб чиқаришда кутилаётган иқтисодий самарага эришилади, кўрилган фойда 2837641400 сўм ёки АҚШ долларида ҳисобланса айни кундаги доллар курси Ўзбекистонда 1АҚШ доллари=10640 сўм бўлиб, $2837641400 / 10640 = 268970$ доллар транспорт харажатларини ҳисобга олмаган ҳолда, йилига 268970 доллар иқтисодий самарадорликка эришилади.

Янги синтез қилинган Cu-CaPc пигментни ишлаб чиқариш учун дастлабки хом ашё нархлари 1 тоннага фақат бошланғич модданинг ўзи учун 30114900 сўм сарфланади.

Янги синтез қилинган Cu-CaPc пигментини ишлаб чиқариш учун барча харажатлар ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотнинг бозор иқтисодиётида 1 тонна тайёр маҳсулот учун 38657135 сўмга тенг эканлиги ҳисоблаб торилди.

Янги синтез қилинган Cu-CaPc пигментини ишлаб чиқаришда 1 кг тайёр пигментнинг нархи 38657,135сўмга тенг эканлиги ҳисоблаб торилди.

Четдан импорт қилинадиган CuPc PR 15:1 Ўзбекистондаги 1 кг тайёр пигментнинг нархи 82000 сўмга тенг эканлиги кетирилди.

Шундай қилиб, янги синтез қилинган Cu-CaPc пигментини ишлаб чиқаришда кутилаётган иқтисодий самарага эришилади, кўрилган фойда

4767715150 сўм ёки АҚШ долларида ҳисобланса айти кундаги доллар курси Ўзбекистонда 1 АҚШ доллари=10640 сўм бўлиб, $4767715150 / 10640 = 448094$ доллар транспорт харажатларини ҳисобга олмаган ҳолда, йилига 448094 доллар иқтисодий самарадорликка эришилади.

ХУЛОСА

1. Фтал ангидрид, карбамид, металл тузлари ва катализатор иштирокида мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианинлар синтез қилинди, синтез жараёнининг мақбул шароитлари аниқланди. Синтез жараёнида мис фталоцианин 250°C ҳароратда 1 соат давомида 85,3% унум билан, мис-кальций сақловчи фталоцианин 225°C ҳароратда 1 соат давомида 89,4% унум билан олинди. Фталоцианинлар синтезида 2450 MHz частотали микротўлқиндан фойдаланилганда реакция тезлиги 12 марта ортиши, бироқ реакция унуми 50% гача камийиши аниқланди.

2. Синтез қилинган мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианинларга 90% ли сульфат кислота ёрдамида ишлов бериш йўли билан ГОСТ-6220-76 талабларига мос пигментлар олинди ҳамда мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментларини α ва β модификацияга ўзгартириш усули таклиф этилди.

3. Олинган мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментларининг хоссалари ва ранг интенсивлиги сульфат кислота концентрациясига боғлиқлиги аниқланди. Мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментлари қўшиб тайёрланган алкид эмаль композициялари олиш таркиби ва технологияси таклиф этилди.

4. Мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианин пигменти қўшиб тайёрланган эмал назорат учун олинган эмалдан термик жиҳатдан барқарорлиги, ПФ-115 эмали стандарт талабларига асосланиб ГОСТ 6465-76 талабларига мослиги аниқланди, шунингдек мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианин пигменти қўшиб тайёрланган ПФ-115 эмалини асосан қурилиш материаллари - темир, ёғоч ва бошқаларга қоплама сифатида ишлатишга тавсия этилди.

5. Таркибида мис ва мис-кальций сақловчи янги фталоцианинлар синтези ҳамда улар асосида пигментлар олишнинг иқтисодий жиҳатдан самарали ва экологик тоза технологияси ишлаб чиқилди. Мис ва мис-кальций сақловчи фталоцианин пигментларини олиш технологияси “BMAX PAINTS” МЧЖ ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ қўшма корхонасида лок-бўёқ қопламалар олишда амалиётга жорий қилинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.16/30.12.2019.T.87.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ХИМИЧЕСКОЙ
ТЕХНОЛОГИИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ХИМИЧЕСКОЙ ТЕХНОЛОГИИ**

ФАЙЗИЕВ ЖАҲОНГИР БАҲРОМОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИЙ ПОЛУЧЕНИЯ НОВЫХ
МЕТАЛЛСОДЕРЖАЩИХ ФТАЛОЦИАНИНОВЫХ ПИГМЕНТОВ**

02.00.14–Технология органических веществ и материалы на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.2.PhD/T2253.

Диссертация выполнена в Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета www.tktiti.uz и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель: Бекназаров Хасан Сойибназарович
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: Максумова Ойтура Ситдиқовна
доктор химических наук, профессор
Юсупов Музафар Орифжонович
доктор философии (PhD) по техническим наукам

Ведущая организация: Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится 30 НОЯ 2021 г. в 11⁰⁰ часов на заседании Ученого совета DSc.16/30.12.2019.T.87.01 при Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии по адресу: 111116, Ташкентская область, Ташкентский р-н, ул. Шурабазар, (+99871) 199-22-43, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail: tktiti.uz

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского научно-исследовательского института химической технологии за № 12, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (111116, Ташкентская область, Ташкентский р-н, Шурабазар, (+99871) 199-22-43, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail: gup_tniixt@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан 19 НОЯ 2021 года.

(протокол рассылки № 12 от 19 НОЯ 2021 г.).



А.Т. Джалилов
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.х.н., проф., академик

Ш.Д. Ширинов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, PhD тех.

Ф.Н. Нуркулов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире разрабатываются передовые технологии, такие как производство электрических и оптических материалов на основе фталоцианиновых пигментов, солнечных элементов, химических сенсоров. Важным преимуществом фталоцианиновых пигментов является их очень низкая токсичность, они используются при производстве упаковочных материалов для пищевых продуктов, детских игрушек, лекарств. Также, фталоцианины и их производные играют важную роль в получении свето- и термостойких красителей, которые отличаются высокой химической стойкостью и цветовой стабильностью.

В мире проводятся научные исследования для улучшения свойств пигментов на основе фталоцианина и их эффективного использования, в том числе: упрощение процесса синтеза фталоцианиновых пигментов и разработка безопасных методов; создание новых типов фталоцианиновых пигментов, растворимых в воде и растворителях; увеличить выработку фталоцианиновых пигментов; необходимо найти и расширить области применения нового состава фталоцианиновых пигментов, способных целенаправленно изменять антикоррозионные, статические и динамические прочностные свойства.

В стране развивается научно-техническая работа по модернизации химической промышленности, в том числе производство новых видов продукции на основе местного сырья взамен импортной. На основе принятых нормативных мер в этом направлении достигаются определенные научные и практические результаты, особенно в создании полимерных, текстильных и лаковых материалов, а также многокомпонентных и функциональных лаковых покрытий с присутствием фталоцианиновых пигментов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи, направленные на «освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение на этой основе конкурентоспособности отечественных товаров на внешних и внутренних рынках»¹. В связи с этим большое значение приобретает разработка экономических и экологически чистых технологий производства меди и медь-кальцийсодержащих фталоцианиновых пигментов на основе местного сырья.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3479 от 17 января 2018 года «О мерах по стабильному обеспечению отраслей экономики страны востребованными видами продукции и сырья», ПП-3983 от 25 октября 2018

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП №4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», ПП-4265 «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности» а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с VII «Химическая технология и нанотехнология» приоритетным направлением развития науки и технологии Республики.

Степень изученности проблемы. По получению и синтезу фталоцианиновых пигментов ведут исследования: Ishikawa N., Iino T., Cox J. J., Bayliss S. M., Jones T. S., Meyer M., Freyer W., Hanack M., Schlettwein D., Kudrevich S. V., Zimcik P., Erk P., Barrett P. A., Степанян А. А., Бернашевский Н. В., Кулыгина З. П., Исак А. Д., Шапошников Г. П., Белогорохов И. А., Голубчиков О. А., Ларионов А. В., Сайфуллин Р. О., Хафизов Н. Р., Zhang X., Хромов А. В., Зуев К.В., Джалилов А.Т., Тиллаев А. Т., Ихтиёрова Г. А., а также другие ученые проводят исследования.

